

## Диний таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари давом этмоқда



14:09 / 06 август 510

Бугун, 6 август кунин Олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларига 2024-2025 ўқув йили учун кириш имтиҳонлари ўтказиладиган 6 та ҳудуднинг учинчиси бўлган Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, 1-сонли касб-ҳунар мактаби биносидан навбатдаги кириш имтиҳон жараёнлари бошланди.

Эрта тонгдан мазкур даргоҳга 533 нафар абитуриент тест синовларини топшириш учун етиб келди. Бу ерда абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига барча зарур шароитлар ҳозирланган.

Имтиҳон бошланиш олди ўтказилган тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Таълим ва илмий-тадқиқот бўлими мудирини ўринбосари Акбар Дўсматов, Дин ишлари бўйича қўмитаси масъул ходими Элёр Алимқулов, Шаҳрисабз шаҳар бош имом-хатиби Фазлиддин Мухторов, «Хожа Бухорий» ўрта махсус ислом таълим муассасаси мудирини ўткир Ғузоров, соҳа вакиллари, ўқитувчи-мураббийлар, ота-оналар ва абитуриентлар иштирок этди.

Қуръони Карим тиловати билан бошланган маросимда сўзга чиққанлар юртимизда диний таълим соҳасига қаратилаётган эътибор тўғрисида сўзлаш баробарида имтиҳонлардаги замонавий технологиялардан фойдаланиш тартиб-қоидалари тўғрисида абитуриентларга батафсил тушунча ва тавсиялар бериб ўтди.

Ушбу жараённи соҳа мутасаддилари ва ҳамкор ташкилот вакилларида иборат кузатувчилар назорат қилиб бормоқда.

Имтиҳон топшираётган барча абитуриентларга муваффақият тилаб қоламиз!